МУСТАҚИЛЛИК АЙЁМИГА 16 КУН ҚОЛДИ

БУ — МЕНИНГ БАЙРАМИМ!
БУ — СЕНИНГ БАЙРАМИНГ!
БУ — ҲАММАМИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

15 август, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 164 (1417)

ИСТИКЛОЛ КАЛЕНДАРИ



1993 ЙИЛ 4 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг махсус Фармонига асосан мамлакатимизнинг биринчи олий давлат нишони — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, «Соғлом авлод учун» ордени илк бор бизнинг республикамизда қабул қилинган бўлиб, жаҳон тажрибасида бундай орден бўлмаган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг стратегик вазифаларидан бири — буюк келажак йўлидаги барча эзгу ишларни амалга оширишга қодир бўлган соғлом, жисмоний ва маънавий камол топган авлодни тарбиялаб, вояга етказишдан иборатдир.

Янги орден бўлажак авлодлар генетик фондини яхшилашга доир илмий ишланмаларга, экстрагенитал касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадқиқотларга, болалар ва ўсмирларни янада соғломлаштириш қоидаларига қудратли омил бағишлайди. Ушбу Ватан мукофоти оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи барча тиббиёт ходимларининг олижаноб меҳнатига янгича баҳо беради. Шунингдек, оналар ва болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшган турли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари ҳам ушбу орден билан мукофотланишлари мумкин.

Ҳозирги кунга қадар республикамизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган бир қанча ана шундай соғлом авлод фидойилари кўксини I ва II даражали «Соғлом авлод учун» олий нишонлари безаб турибди. Бир сўз билан айтганда, мустақил мамлакатимизнинг тўнғич олий нишони баркамол авлод тарбияси йўлида хизмат қилмоқда. Орденнинг олд томонида қуёшнинг илиқ нурлари эркалаётган бахтиёр она ва боланинг тасвири туширилган. Гўдак жажжи қўлчаларини олдинга чўзганча, келажак сари ишонч ва фахр билан боқиб турибди. Унинг тимсолида барчамизнинг фарзандларимизнинг беғубор орзу-умидлари мужассамлаштандир. Зеро, мустақил Ўзбекистон ўз болакайлари бахти учун ҳеч нарсани аямайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Портретга чизгилар

ЎЗБЕКИСТОНДА ФИКР, ВИЖДОН ВА ДИН ЭРКИНЛИГИ ҚОИДАЛАРИ ОҒИЗДА ЭМАС, БАЛКИ АМАЛДА ҚАРОР ТОПИШИГА ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАММАДАН КЎРА КЎПРОҚ ЖОН КОЙИТДИ.

(Давоми. Боши газетанинг 10, 13, 14 август сонларида).

ИСЛОМ ОМИЛИ

Битта дунёқараш монополияси янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқодларига, динига амал қилишга ҳақлидир. Каримов диндорлар учун мачитларнинг эшигини очиб бериш билангина чекланмади, янги мачитлар қурилишига имконият яратди, диний адабиётни ўрганиш ва тарқатишни, ҳаж қилиш учун сафарга чиқишни рағбатлантирди. Совет тузуми даврида марҳумларни диний ақидага мувофиқ жаноза ўқитиб дафн этиш маросимида иштирок этгани учун партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Бутун халқ каби Каримов ҳам бундай бедодликка тоқат қилолмасди.

Ислом Каримов ҳозирги пайтда дин қалбларни ёлғон ва иккиюзламаликдан шунчаки тозалаб қолмай, юксак ахлоқий асосларни ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга ёрдам беради, деб бир неча бор таъкидлаган эди. Унинг айни бир пайтда Конституция ва Қуръони шариф билан Президент қасамини қабул қилгани бу эътиқодидан ишонарли далолатдир.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий кўпчилиги учун ислом дини турмуш тарзи, миллий ўзлигини англашни қайта тиклашда бебаҳо маънавий омилдир.

Президентнинг динга ишонувчиларнинг туйғуларига самимий ҳурмати чексиздир. Аммо унинг садоқатини айрим дин арбоблари давлатни четга суриб қўйиб, катта сиёсат билан шуғулланиш учун имконият деб тушунганларида, Каримов мамлакат тараққиёти истиқболи учун, авлодлар келажаги учун масъулиятни англайдиган, узоқни кўра биладиган дадил раҳбар эканини кўрсатди.

Ақидапарастлик Марказий Осиё эшигини аста-секин, лекин қатъият билан тақиллата бошлаганда у биринчилардан бўлиб хавфни сезди. «Биз ҳар қандай экстремизм ва мутаассибликка, коммунистик мутаассибликка ҳам, диний мутаассибликка ҳам қаршимиз, — деди у тушунарли қилиб. — Ўзбекистонда ислом ақидапарастлиги қўллаб-қувватланмайди».

Тожикистонда экстремист кайфиятидаги диний мухолифат қонуний ҳукуматни эгаллаб олиши хавфи кўзга чалиниши биланоқ Каримов биринчи бўлиб жаҳон жамоатчилигини хабардор қилди. 1992 йилнинг июлидаёқ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кенгашида Каримов Югославия ва Қорабоғдаги каби можаро «Марказий Осиё минтақасида ҳам чиқиши мумкин, чунки Марказий Осиё минтақаси бўсағасида экстремизм ва тааасубликни тарғиб қилаётган ақидапарастлик турибди» деган эди.

Тожикистондаги кейинги воқеалар, афсуски, бу огоҳлантириш тўғрилигини кўрсатди.

Тожикистонда хунрезлик уруши бошланиб, минглаб кишилар ҳалок бўлиб, юз минглаб кишилар қочоққа айланган ва халқ хўжалигига кўп миллиардлик зарар етгандан кейингина хориждаги кўп сиёсий арбоблар дин ниқобидаги экстремизмнинг тарқалишини биргалашиб тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамиятига қилинган даъватларга вақтида эътибор бермаслик нималарга олиб келганини ўз кўзлари билан кўрдилар. У Афғонистондаги урушни дарҳол тўхтатиш зарур деб биринчи бўлиб ва бир неча бор сўзга чиқди. Унинг тутган йўли бундай:

«Биз Ўзбекистонга қўшни мамлакатларнинг раҳбарлари билан музокаралардагина эмас, бошқа давлатларнинг делегациялари ва вакиллари билан учрашувларда, шунингдек халқаро анжуманларда, конференцияларда ҳам афғон муаммосини ўртага қўйяпмиз.

Афғонистонда тинчлик жараёни хусусида Ўзбекистоннинг тутаётган йўлини мен бир неча бор баён қилиб берганман.

Бу масаланинг гоят муҳимлигини ҳисобга олиб, сизларга бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жиҳатларни эслатмоқчиман. Бу жиҳатлар қуйидагилардир:

— можарони бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;

— музокара жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиши;

— ўзаро ён босиш ва оқилона муросага келиш асосида бир-бирига яқинлашиш;

—бу жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг иштирок этиши ва шафелик қилиши;

— мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ватанимиз тиббиёт ва фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришни таъминлаш, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси «Ўзфармсаноат» концерни, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда «Ўзфармсаноат» концернининг импортнинг ўрнини босувчи дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқсин ҳамда уни республиканинг 1997 йилги инвестиция дастурига киритсин.

2. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси «Ўзфармсаноат» концерни билан биргаликда ўзига қарашли корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий ўсимлик хом ашёси ва технологиялар асосида дори-дармон воситалари субстанцияларини саноат йўли билан ишлаб чиқариш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ва «Пахтабанк»ка, Ўзбекистон Республикасининг бошқа тижорат банкларига тиббиёт ва фармацевтика саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш мақсадлари учун устувор тартибда имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

4. Ватанимиз тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида:

«Ўзфармсаноат» концерни корхоналари ва ташкилотларига солиқларнинг барча турлари бўйича бюджетга тўланиши керак бўлган сумманинг 50 фоизи миқдорида 3 йил муддатга имтиёзлар берилсин, ушбу сумма фармацевтика индустриясини ривожлантиришга йўналтирилсин;

момиқ пахта, дока, бинтлар ва шунга ўхшаш тиббий буюмларга экспорт бож пошлинаси ставкаси «Ўзфармсаноат» концерни учун 5 фоиз миқдорида белгилансин;

«Ўзфармсаноат» концерни корхоналари, шу жумладан қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда импортдан олинаётган хом ашё ва бутловчи материаллар қиймати 3 йил муддатга солиқ солинадиган базадан чиқарилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзтибтехника» акционерлик компаниясини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидан «Ўзфармсаноат» концерни таркибига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ички бозорнинг дори-дармонлар билан тўлишини ҳисобга олган ҳолда, аҳолига дориҳоналар тармоқлари орқали сотилиши шарт бўлган асосий ва ҳаётий муҳим дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар рўйхатини ҳар йили 10 январгача тасдиқласин;

асосий ва ҳаётий муҳим дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар рўйхатига киритилган дори-дармонлар ва тиббий анжомларнинг барча даволаш-профилактика муассасаларида доимий равишда бир ойлик захираси мавжуд бўлишини таъминласин.

7. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказлаштирилган капитал маблағлар ва моддий ресурслар лимитлари прогнозларини, қурилишнинг аниқ мақсадли дастурларини тузишда тиббиёт ва фармацевтика саноати объектлари уларга биринчи навбатда киритилишини назарда тутсинлар.

8. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ҳар йили тиббий боғлаш материалларини кооперация асосида қайта ишлаш ва ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун «Ўзфармсаноат» концернига пахта толаси лимитларини назарда тутсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари фармацевтика саноатини ривожлантиришга, дори-дармон хом ашёси, тайёр дори-дармон воситалари, тиббий анжомлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва янгиларини қуришга мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағларини жалб этиш ишларини ташкил этсинлар.

10. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси улгуржи операциялар бўйича дори-дармонлар, тиббий анжомлар харид қилишга йўналтириладиган пул маблағлари устувор конвертация қилинишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 25 июлдаги 287-сон қарорига 5-илованинг «дори-дармон воситалари» 1-бандидан тиф тн 3003 ва 3004 товар кодлари чиқариб ташлансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов ва Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 14 август

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

14 август куни Тошкентда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти томонидан ташкил этилган «Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар» мавзуидаги махсус семинарнинг учинчи қисми очилди.

Семинарда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти, ўзбекистоннинг давлат ва давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлари вакиллари, Беларус, Грузия, Молдова, Мўғулистон, Озарбойжон, Тожикистон ва Туркманистонлик мутахассислар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов семинарнинг расмий очилиш маросимида мамлакатимиз билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали тус олаётгани ва бунда асосан, ислоҳотларни амалга оширишда муҳим омил бўлмиш малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилаётганини қайд этди.

— Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларнинг аввал бошидаёқ кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш йўлини танлаган ва бу айримларни ажаблантирган эди, — деди, жумладан, Бош вазир ўринбосари. — Бугунги кунда эса бу йўлнинг тўғри эканини барча тан олди. Жаҳон банкининг мазкур семинари ҳам ижтимоий сиёсатни кучайтиришга қаратилгани ва унинг Тошкентда ўтаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Семинарнинг расмий очилиш маросимида Олий Мажлис раиси ўринбосари Акмал Қосимов ва бир қанча вазирликлар вакиллари иштирок этди.

Семинар икки ҳафта давом этади.

(ЎзА).

• Бугун — Ҳиндистон мустақиллиги куни

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА СОБИТ ЮРТ

Бундан 49 йил муқаддам, 1947 йил 15 августда Ҳиндистон мустақил давлат, деб эълон қилинди. Худди шу куни Деҳлидаги Қизил қалъа узра илк бор мустақиллик байроғи кўтарилди. Мана 49 йилдирки, ҳинд халқи ҳар йили 15 август кунини ўз тақвимидаги энг азиз ва қадрли байрам сифатида нишонлайди.



Албатта, мустақилликка осонликча эришилгани йўқ. Бунинг учун жуда кўп йиллар керак бўлди. Бироқ ҳинд халқининг озодлик йўлида собит туриши натижасида мамлакат тинч ва мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Ўтган йиллар ичида Ҳиндистон ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, индустриал база барпо этиш борасида жиддий ислоҳотлар ўтказди. Бу эса мамлакат ишлаб чиқаришининг барча жабҳаларида юқори кўрсаткичларга эришишда муҳим омил бўлди. Айни дамда, Ҳиндистонда жаҳонда энг катта техник ходимлар заҳираси яратилди. Мамлакат иқтисодиётининг охирги беш йиллигидаги йиллик ўсиш суръати етти фоизни ташкил қилди. Хиндистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари ҳам юксалиб бормоқда. Айни вақтда Ҳиндистоннинг бу борадаги йиллик кўрсаткичи 26 миллиард долларга тенг бўлмоқда.

Маълумки, ўзбек ва ҳинд халқларини боғлаб турган дўстлик ришталари узоқ тарихга бориб тақалади. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви икки халқ ўртасидаги қадимий алоқалар ривожига янгича куч ва мазмун бахш этди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга, Ҳиндистон раҳбарларининг мамлакатимизга қилган ташрифлари икки давлат ўртасида турли соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга асос яратди. Хозирда Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлиги иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини қамраб олмоқда. Бугунги кунда юртимизда ўнлаб ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Деҳли ва Тошкент ўртасида ҳаво йўлларининг очилганлиги ўзаро алоқаларимизнинг янада ривожланишига муҳим омил бўлмоқда.

Биз ўзаро ҳурмат ва манфаатли ҳамкорлик асосида камол топаётган ушбу муносабатларнинг истиқболига ишонамиз. Негаки, бу алоқалар қадимдан дўст икки халқ манфаатларига мосдир.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ОСКАР»КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Ҳар йили АҚШнинг киношунослиқда энг йирик соврини — «ОСКАР» мукофотини тақдим этадиган Америка кино академияси 70 мамлакатнинг киночилар миллий қўмиталарига таклифнома юборди.

Унда «Энг яхши хорижий филм» туркуми бўйича бериладиган соврин учун филм тақдим қилиш сўралган.

Конкурс шартларига биноан, унда иштирок этишни истаганлар аризаларни 1 ноябргача, филмларни эса 18 ноябргача топширишлари керак. Филмлар бир неча ой давомида намойиш этилгач, мукофотга сазовор филм номзодлар қаторига қўшилади.

БМТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Европа Иттифоқи Босния ва Герцеговинадаги миналаштирилган ерларни зарарсизлантириш учун 4,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу икки давлат ҳудудига қарашли ерларда 3 миллиондан ортиқ мина кўмилган бўлиб, бу ҳол иқтисодиётни тиклашда ва қочоқларнинг ўз уйларига қайтишида анчайин катта тўсиқ бўлади. Миналарни зарарсизлантириш учун ажратилган маблағ минтақада жойлашган БМТ қуролли кучларига топширилади.

АРКТИКА КЕНГАШИГА АСОС СОЛИНАДИ

Оттавада 8 та Арктика мамлакати — Дания, Исландия, Канада, Норвегия, Россия, АҚШ, Швеция ва Финляндия давлатлари ҳукумат делегацияларининг навбатдаги амалий мажлиси ниҳоясига етди.

Унда эълон қилинган натижаларга кўра, сентябр ойининг ўрталарида Арктика давлатларининг вазирлар даражасидаги учрашуви бўлиб ўтади ва «Арктика кенгаши»га асос солинади.

КУЗАТУВЧИЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий жазо чоралари қўмитаси Ироқнинг озиқ-овқат сотиб олиш учун етарли миқдорда нефт сотишига имкон яратадиган қонунни тасдиқдан ўтказди.

Шунингдек, мазкур қўмита Ироққа озиқ-овқат ва дори-дармонларни етказиш ва тақсим қилиш ишларини назорат қилиш учун Норвегия, Россия, АҚШ ва Франция давлатларидан кузатувчилар тайинлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯМАЙКА: ҚЎШМА БАЁНОТ ИМЗОЛАНДИ

Нью-Йоркда элчилар даражасида Ўзбекистон Республикаси ва Ямайка ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида қўшма баёнот имзоланди.

Баёнотда мазкур ҳужжатнинг имзоланиши икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги ҳамда БМТ Низомининг ва Дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 йил 18 апрелдаги Вена Конвенциясининг қоидаларига асосланган таъкидланди.

Баёнотни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Фавқулодда ва Мухтор элчи, Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили Фотиҳ Тешабоев, Ямайка ҳукумати номидан Фавқулодда ва Мухтор элчи, Ямайканинг БМТдаги доимий вакили М. Патрисиа Дюррант имзоладилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ГУРУҲЛАРИ ДАЛАЛАРДА

МУСОБАҚАДОШЛАР ФИКР АЛМАШДИЛАР

Фарғоналик мўл ҳосил усталари Самарқанд вилоятида бўлди. Мусобақадошлар жойларда қишлоқ инфраструктурасини такомиллаштириш борасидаги ишлар билан танишди, шунингдек, Жомбой, Пастдарғом, Ғазалкент, Оқдарё, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари далаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, айниқса, ғўза парваришини жадаллаштириш ишларини кўздан кечирди, деҳқонлар билан суҳбатлашди.

Вилоят ҳокимлигида текшириув якунларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда Фарғона вилояти ҳокими, ўзаро текшириш бригадаси раҳбари М. Исломов водий деҳқонлари Самарқанд вилоятида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилинаётганлигининг гувоҳи бўлганлигини таъкидлади. Шу билан бирга бу борадаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш, хусусан, ғўза парваришида барча агротехник юмушларни ўз вақтида ўтказиш, чеканкани тезлаштириш, суғоришни кечиктирмаслик зарурлигига эътибор қаратилди.

Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев мусобақадошларга қимматли маслаҳат ва тавсиялари учун миннатдорлик билдирди.

ХОРАЗМ ДЕҲҚОНЛАРИ — ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик ходимларидан иборат ўзаро текширув бригадаси Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Улар уч гуруҳга бўлиниб, қишлоқ хўжалик тармоқларида олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Хўжайли туманидаги «Найман» жамоа хўжалигининг Қизларгул Жуманова бошчилигидаги бригадасида ғўзалар баравж ўсаётгани меҳмонларни хурсанд қилди. Бу ерда ҳар туп ғўзада 10-14 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинган. Қўртқўл, Беруний, Қиқалъа туманларидаги [illegible]ининг хўжаликларда ҳам [illegible]атор оралари ишловига жиддий эътибор берилмоқда.

Айни вақтда кўпгина жойларда август мўл ҳосил тўплаш ойлиги деб эълон қилинган бўлсада, ғўзани парваришлашда, суғориш ва қатор ораларга ишлов беришда сусткашликка йўл қўйилмоқда, зарарқунанда ҳашоротларга қарши курашни талаб даражасида деб бўлмайди. Шолипояларда сув сарфлаш режимига қатъий риоя қилинмаяпти. Ҳосилни йиғиб териб ишга тайёргарлик ишлари кечикмоқда.

Хоразмлик деҳқонлар ана шу камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан дўстона маслаҳат ва тавсиялар берди.

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— ташқаридан ҳар қандай шаклда тазйиқ ўтказишга ёки аралашишга йўл қўйиб бўлмаслиги.

Ниҳоят, биз бир неча йилдан буён такрорлаётганимиздек, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъий тақиқлаб қўйиш.

Мазкур чорани, можарони бартараф қилишнинг асосий шартларидан бири деб ҳисоблаб, мен БМТ Бош ассамблеясининг 50-юбилей сессиясида ким томонидан бўлса ҳам Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш тўғрисида Хавфсизлик кенгашига таклиф билан мурожаат қилдим.

Афсуски, бу мамлакатга қурол-яроғ етказиб бериш камаймаяпти, балки кўпайиб бормоқда.

Сўнгги вақтда Афғонистон ва унинг теварагидаги вазият ўта хавфли тус олмоқда. бу районда турли сиёсий кучлар ва мамлакатларнинг стратегик манфаатлари очиқдан-очиқ тўқнаш келгани мутлақо равшан бўлиб бормоқда.

Зўр куч-ғайрат сарфланаётганига қарамай, афғон халқи қонли воқеаларда гаровга ушлаб турилибди. Шунга биноан эндиликда можарони бартараф этишнинг асосий чораси сифатида бутун эътиборни Афғонистон ичкарисида умуммиллий ярашишга қаратишнинг ўзи етарли эмас.

Минтақа-этник омиллар ва афғон сиёсатчиларининг ҳокимият учун кураши сабабларига қоришиб, бузғунчилик тамойилларининг пайдо бўлишига олиб келди. Унинг таъсирини маълум даражада Афғонистонга яқин жойлашган мамлакатларнинг ҳаммаси сезиб турибди.

Ўзбекистон можаро зонасига яқин жойлашган бошқа давлатлар каби ўз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қонуний манфаатларини ифодалашга ҳақлидир.

Ҳозир Афғонистонда яхши таълим олган мунтазам армиялар урушмоқда, уларнинг сафларида ёлланганлар кўп. Шу сабабли Афғонистондаги уруш фаолиятнинг янги турига айланиб қолди, шу фаолият доирасида давлатларни барбод қилувчи «мутахассислар» вужудга келмоқда.

Афғонистон танглиги билан бирга давом этаётган бангфурушлик, терроризм, зўравонлик, қурол-яроғ савдоси, афғон жамиятида тинч ҳаётни, бунёдкорликни тасаввур қила олмайдиган авлоднинг пайдо бўлгани, — буларнинг ҳаммаси умумжаҳон муаммосидир.

Ҳозирги пайтда Афғонистон муаммосини амалий ҳал қилиш йўлларини излаш билан боғлиқ масалалар жаҳон жамоатчилигининг, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг диққат марказида туриши, буюк давлатлар эътиборининг аниқ объекти бўлиши керак.

Бу муаммо инсониятни Босниядаги жанг ёки Араб-Исроил можароси каби ташвишга солиши лозим. Зеро, жаҳон ҳамжамияти Марказий Европа ва Яқин Шарқдаги можароларни ҳал қилиш мисолида мураккаб, кўпдан давом этаётган можароларни бартараф этишга қодирлигини намойиш қилди.

Афғонистон яхлит бир давлатдир. Бу ерда бир-бирига қарши курашаётган томонларни бир-биридан ажратиб қўйиш сиёсий ажралишга ва давлатнинг барбод бўлишига олиб боради, холос. Давлатни қайта тиклаш Афғонистонга доир тинчлик режасининг энг муҳим мақсади бўлиши зарур. Бу мақсадга эришиш осон эмас. Бунинг учун буюк давлатлар ва минтақа давлатлари биргаликда ҳаракат қилиши, афғон раҳбарларининг сиёсий иродаси керак.

Афғонистонда уруш давом этаётган экан, минтақа хавф остида бўлишини Марказий Осиёда яхши тушунишади. Бу вазият ҳозирги пайтда демократия ва ислоҳотларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, бутун минтақанинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини қисқартмоқда».

Исломнинг ҳақиқий қадриятлари ҳокимиятни эгаллаб олиш, халқларни зўрлик билан ўзлари тасаввуридаги «жаннат»га ўтказишга уринаётган шубҳали таваккалчилар тарғиб қилаётган сиёсий сафсаталарга мутлақо ўхшамаслигига Каримов аминдир.

Баъзан, Ислом Каримовнинг ақидапарастлик хавфи тўғрисидаги сўзлари сиёсий найрангдир, бу сўзлар ҳокимият устида мустаҳкам бўлиш учун керак, деган гапларни эшитишга тўғри келади.

Қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги фуқаролар уруши бундай гапларга ишонарли жавоб бўлди. Президентнинг мамлакатда бир мафкура монополиясига йўл қўйиб бўлмайди ва давлатни мафкуралаштириб бўлмайди, деган гаплари оддий баёнот эмас, балки тараққиётнинг демократик йўли кафолатидир.

«Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китоби муаллифларининг яна бир фикри бундай:

«Портлаш юз бериши мумкин бўлган Фарғона водийсида Каримовнинг енгишига тўғри келадиган қийинчиликларни тўғри баҳолаш керак. Одамларнинг фикрича, Тошкент Ислом ақидапарастлиги хавфини ошириб кўрсатмоқда. Балки бу фикр тўғридир, лекин маълум даражада, холос. Аммо Каримовнинг қўрқиши саробга асосланган, деган фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Фарғона — ҳамма масаллиқ бир хил тусга кирадиган хурмача эмас, балки иқтисодий ва этник ихтилофлар қайнаб турган ва исталган вақтда тошиб, Ўзбекистон, Тожикистон ва айниқса Қирғизистон учун даҳшатли оқибат келтириши мумкин бўлган қозондир.

Ўш вилоятида вазият барқарор бўлишидан Президентлар Каримов ва Акаев манфаатдордир. Ўшга нисбатан Каримов бутун кучи билан 1990 йилнинг июнида тўсатдан бошланган фожеага ўхшаш фожеани истисно қилишга уринаётган давлат арбоби вазифасини бажариб келмоқда. Ўша вақтда у ўзбек ажрамачларига Ўшга нисбатан мақсадларини амалга оширишларига имкон беришдан бош тортган эди. Ўзбекистонда бошқа бирор раҳбар бундай қилолмасди.

Унинг Ўш ва бутун Фарғона водийсида қонли этник можаронинг олдини олишдаги хизмати, афсуски, Ғарбда муносиб баҳоланмади, бу адолатдан эмас. Каримов қарсак чалиб кутиб олишга лойиқ. Тарих шуни кўрсатмоқдаки, демократ ниқобини кийган сохта демократлар кўпинча миллий-шовинизмга қўшилиб кетади ва мамлакатни уруш гирдобига ташлайди. Югославия, Сербия ва Босниядаги вазият Каримов Ўшда эришган вазиятнинг акси бўлиб, унинг давлат арбоби сифатида илғор мавқеда турганини таъкидламоқда.

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТАН ОЛИНИШИ

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди. Халқнинг асрий орзуси амалга ошди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан мустақил давлатга айланди. Президент Ислом Каримовнинг фаол ташқи сиёсий фаолияти ўша пайтдан бошланди. Ўша давр учун энг муҳим вазифа ҳал этилишига, яъни Ўзбекистон мустақил истиқлол давлати сифатида тан олинишига, халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланишига эришиш зарур эди.

Бу мақсадга эришиш учун баёнот бериш билан шуғулланиш етарли эмас. Каримов дастлабки босқичда, юмшатиб айтганда, эътиборсиз эди. Унинг диктаторлик одатлари бор, дейишди, консерватор, деб аташди, ҳуқуқ ва эркинликларни гўё камситгани учун танқид қилишди.

Бу айблашлар уни ҳаяжонга солмай қўймасди, албатта. Лекин Каримов ўртага қўйган беш тамойил ҳақиқий, аниқ ҳаракат дастури бўлиб чиққани хориждаги кўп сиёсатчиларни ҳайратга солди. Каримов кўп сабабларга кўра Ўзбекистонга халқаро эътироф зарурлигини тушунарди.

Биринчидан, бу Марказий Осиёдаги йирик мамлакатлардан бирига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, бинобарин миллионлаб одамларнинг турмушини яхшилаш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлиш эди.

Иккинчидан, умумий эътироф сармояларга йўл очади.

Учинчидан, Ўзбекистон қадимги буюк Ипак йўлидаги энг муҳим бўғин сифатида Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғловчи ҳалқа сифатидаги мавқеини тиклаши керак.

Каримов ташриф билан Туркияга, Швейцарияга, Хитойга, Россияга — қаерга бормасин «Тинчлик ва миллатлараро тотувлик — минтақада осойишталик ва барқарорликнинг асосий шартларидир» деган гапни такрорлашдан чарчамади.

Унинг «Минтақаларда осойишталик ва тинчлик орқали умумжаҳон осойишталиги ва тинчлигига» деган пухта ўйланган принципини, ниҳоят, жаҳон ҳамжамияти англади.

Кўп сиёсатшунослар умуман Ўзбекистонда, хусусан Каримовда юз берган қандайдир ўзгаришлар тўғрисида гапиришади. Яқингача партия раҳбари бўлган одам узоқни кўрадиган сиёсатчи ва моҳир ислоҳотчи бўлиб чиқди, дейишади. Уни ҳатто Пиночет билан таққосламоқчи бўлишди. Аслида ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Ёш мустақил давлат ва унинг раҳбари тадрижий ривожланди, ўсди.

Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Бу Ўзбекистон тараққиётида сифат жиҳатидан янги босқичнинг бошланиши бўлиб, халқаро миқёсда фаол иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик учун имконият вужудга келди.

Ижтимоий-сиёсий тузуми турлича мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш юксак давлат даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши республикага чинакам тенг ҳуқуқли шерик ва ўзаро ҳурмат қоидалари асосида жаҳон хўжалик алоқалари тизимига қўшилишга имкон бермоқда.

Республиканинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги жўғрофияси шу қадар кенгки, бу ерда уни санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу замину макон АҚШдан Японияга, Малайзиядан Буюк Британиягача чўзилган.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли мустаҳкам иқтсодий муносабатлар ўрнатишга ёндашувларни белгилаб беради».

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил июль ойида Хельсинкида бўлиб ўтган Европа Хавфсизлиги ва ҳамкорлиги кенгашида иштирок этгани, БМТ Бош ассамблеясида сўзлаган нутқлари унинг халқаро обрўси тан олинганининг белгисидир. Президент Каримов Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг «Ўзгаришлар давр тақозоси» якунловчи ҳужжатини муҳокама қилишда фаол иштирок этди ва кенгаш мажлисига раислик қилди.

Ислом Каримов хорижий мамлакатларга расмий ташрифи чоғида шу мамлакатларнинг бизнесчилари ва савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувга алоҳида аҳамият бераётганини Ғарбдаги кузатувчилар таъкидлашмоқда. Ана шу учрашувлар чоғида Ислом Каримов Ўзбекистонда кечаётган жараёнларнинг якунлари, республикада хорижий тадбиркорларнинг фаолияти учун ва хорижий сармояни кенг жалб этиш учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида батафсил сўзлаб беради. Чунончи «Штутгартер цайтунг» газетаси Ислом Каримовнинг Боннга ташрифини тафсирлаб, «Каримов ўз мамлакати билан таништириш ва амалий таклифларни ўртага қўйишда маҳорат кўрсатди» деб ёзди.

Президент қуйидаги асосий тамойилларни Ўзбекистон ташқи сиёсатига асос қилиб олган.

Биринчиси. Ўз миллий давлати манфаатларини устивор билган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. «Бизнинг мустақил давлатимиз, — дейди Каримов, — бирор буюк давлат таъсири доирасига кирмоқчи эмас. Ўзбекистон яна бирор давлатга қарам бўлиш учун мустақил бўлгани йўқ».

Иккинчиси. Республика халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устивор ўринга қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз зона бўлиб қолаверади, тажовузкор блокларга ва иттифоқларга қўшилиш нияти йўқ.

Учинчиси. Республика ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига асосланган.

Тўртинчиси. Ташқи сиёсатда очиқлик қоидасини амалга ошириш мафкуравий қарашлардан қатъи назар, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга кўмаклашади.

Бешинчиси. Ўз миллий ҳуқуқий тизимини барпо этаётган ёш мустақил Ўзбекистон давлат ички ҳуқуқларига нисбатан халқаро ҳуқуқ меъёрлари устиворлигини тан олади.

Олтинчиси. Ўзбекистон тўла ишонч асосида икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун курашади.

МДҲ мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатнинг устивор йўналишларидан биридир.

(Давоми бор).

ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН









Собиқ Иттифоқ даврида фақат хомашё базаси бўлган Наманган, бугунги кунда ишлаб чиқариш, саноат гуркираб ривожланаётган масканга айланди. Айни пайтда бу ерда элликка яқин қўшма корхона ишлаб турибди.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Натижада, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1990 йилга нисбатан 44,5 фоизга, саноат маҳсулотлари эса 12 фоизга кўпайди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган ютуқларда вилоятга чет эл сармояларини олиб келишга алоҳида эътибор берилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўзида 30 миллион АҚШ доллари ҳажмида сармоя жалб этилди. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланган жами маблағнинг 20 фоизини ташкил этади. Жумладан, 40 миллион немис маркаси ҳисобига бунёд этилган ўзбек-турк «Аснамтекстиль» қўшма корхонаси вилоят енгил саноатининг фахрига айланди. Шунингдек, 4 миллион АҚШ доллари сарфланиб Ўзбекистон — Канада ҳамкорлигида қурилган «Друппа Дизайн» қўшма корхонаси ҳам юксак унум билан ишламоқда. Ёки Германиянинг «Алкатель» фирмаси томонидан 9,5 миллион немис маркаси эвазига жиҳозланган йирик телефон станцияси туфайли бугун наманганликлар дунёнинг хоҳлаган бурчаги билан бемалол гаплашиш имконига эга бўлишди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Жорий йилда вилоятга 80 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл сармояларини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Демак, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари, ҳамда янги иш ўринлари ўтган йилга нисбатан 2-3 ҳисса ортади.

Шунингдек, вилоятда республика миёқсига молик иншоотларда ҳам қурилиш ишлари жадал бормоқда. Мингбулоқ нефть конининг ишга туширилиши мамлакатимиз учун нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ерда қурилиш ва пармалаш ишлари бир зум бўлса-да тўхтамаяпти. Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншоотида эса сўнгги юмушлар якунланаётир. Бу иншоот фойдаланишга топширилса, Чортоқ, Уйчи, Давлатобод туманлари ва Наманган шаҳри аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ҳозирга қадар бу ерда бир миллиард сўмдан зиёд қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Бундан ташқари Фарғона водийсини Тошкент билан боғлайдиган Қамчиқ довони йўлини кенгайтириш ишлари қизғин давом этмоқда. Ўтган йили бу объектда 17 километр йўл кенгайтирилиб, қайта қурилди. Жорий йилда унинг энг мураккаб қисмида 11 километрли янги йўналиш очилади, автобус қатнови йўлга қўйилади.

Бундай йирик иншоотлардан ташқари, вилоятда ички имкониятлардан фойдаланиб қўплаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Атига 54 кунда қуриб битказилган 120 ўринли вилоят ўсма хасталиклар, 60 ўринли юқумли касалликлар, 100 ўринли оналар ва болалар шифохоналари, 1000 ўринли маросимлар уйи ҳамда 3000 ўринли ёзги ва қишки теннис корти, жамғарма банки биноси, ўнлаб деҳқон бозорлари, гузарлар шулар жумласидандир.

Вилоят аҳли мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйини муносиб кутиб олмоқда. Байрам арафасида 50 дан ортиқ янги иншоот фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу объектларда икки-уч сменадан иш ташкил этилган бўлиб, қурувчилар тўйга тўёна ҳозирлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Бунга Наманган шаҳри марказида бунёд этилаётган «Амир Темур» номидаги хиёбон, 23-сонли турар жой биноси, 12 минг ўринга мўлжалланган «Навбаҳор-2» футбол ўйингоҳи, 2400 ўринли мактаб биноси каби иншоотларни мисол келтириш мумкин. Бундай қурилиш иншоотлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида қад ростлаётир. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан байрам объектларида ишлаётган қурувчиларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиб берилаётир.

Наманган — аграр вилоят. Шу боис қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай туриб, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш қийин. Буни яхши тушунган вилоят деҳқонлари пахта, ғалла, мева, узум, сабзоват ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Хусусан, жорий йилда ғалла майдонлари 80 минг гектарга етказилди. Эрта баҳордан ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик билан қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 45 центнердан хирмон кўтарилиб, вилоят аҳолисининг ғаллага бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкдорларни қўллаб-қувватлаш, хўжалик юритишнинг нодавлат шаклига ўтиб ишлаш каби илғор иш усулларини кенг оммалаштириш алоҳида эътибор берилаяпти. Шу кунга қадар 66 та чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. 55 та ферма эса «Ким ошди» савдосида сотилди. Шунингдек, ўтган даврда 1711 гектар боғ, 701 гектар токзор, 859 та маданий-маиший ва кичик корхоналар тадбиркорларга хусусийлаштириб берилди. 400 дан ортиқ янги корхоналар қурилиб, 2,5 мингга яқин қўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳозирда вилоятда 1803 та деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Аҳолини қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Истиқлол туфайли вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳаётида туб бурилиш рўй берди. Буни қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Собиқ Иттифоқ даврида, яъни 1991 йилга қадар вилоят бўйича 1480 километр газ тармоқлари тортилган бўлса, кейинги беш йил мобайнида 2025 километрлик табиий газ қувурлари тортилди. Яна бир мисол: 1996 йилгача бўлган 20 йил давомида 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, мустақилликка эришганимизлан сўнг эса 83,3 минг хонадонга «зангори олов» кириб борди. Кўриниб турибдики, собиқ Иттифоқ даврида бир неча ўн йиллар давомида қилинмаган ишлар истиқлол туфайли қисқа муддатда амалга ошмоқда, қўл етмас бўлиб келган орзулар ушалмоқда.

Хуллас, Наманган вилояти халқи мустақиллигимизнинг беш йиллик байрамини тантаналорлик, кўтаринкилик билан кутиб олмоқда. Вилоят марказидан тортиб энг чекка қишлоқларгача байрам руҳи кезяпти, десак муболаға бўлмайди. Шу кунларда вилоят, шаҳар, туман марказларида, маҳаллаларда байрам муносабати билан ҳунармандчилик, савдо, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилаяпти. Ҳамма жойда халқ сайллари, санъаткорларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари каби турли кўнгилочар тадбирлар давом этмоқда. Бир сўз билан айтганда истиқлолимизнинг беш йиллик шодиёнаси барча меҳнат жамоаларидан тортиб, ҳар бир хонадонга шоду-хуррамлик, хурсандчилик олиб кирмоқда.

МЕҲНАТДАН БАРАКА ТОПДИМ

Бир неча йил турли қурилиш ташкилотларида ишладим. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил қилиш тўғрисида Президент Фармони ва ҳукуматимиз қарорларидан сўнг мен ҳам шахсий хўжалик ташкил қилишга бел боғладим.

«Пахтаобод» жамоа хўжалиги раҳбарларига Косонсой соҳилида қаровсиз қолган ерни менга беришларини сўраб мурожаат қилдим. Бир пайтлар чорвачилик фермаси бўлган, эндиликда ўз ҳолича ташлаб қўйилган эски молхона биноси билан бирга 10 гектарга яқин ерни ажратиб беришди. Ўша ерга оилам билан кўчиб бордим. Тошлоқ ерларга гўнг ташиб, унумдор тупроқ ётқиздик. ток кўчатлари ўтқазилди. Буғдой ҳам сепдик.

Сидқидилдан қилган меҳнатимиз ўтган йилдан бошлаб ўз самарасини бера бошлади. 10 гектар ердан режалаштирилгандан икки ҳисса кўп, яъни ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтардик. Давлатга 30 тоннадан зиёд сара дон топширдик. Узумзордан эса белгиланган 11 тонна ўрнига 21 тонна узум терилди. Ҳосилдорлик 60 центнердан ташкил этди.

Бундан ташқари оилам билан 30 бош қорамол парвариш қилаяпмиз. Бу йил давлатга 5 тонна гўшт етиштириб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Хуллас, бугунга келиб хўжалигимиз мустаҳкам оёққа туриб олди, меҳнатдан оиламиз барака топди. Халқимиз учун ризқ-рўз яратиб, эл хизматига камарбаста бўлаётганимиздан мамнунмиз.

Олимжон Мамадиев,
Наманган туманидаги «Усмонали» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи.

Наманган туманидаги «Ўзбекистон» ҳиссадорлик жамияти бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам вилоятда пешқадамлар сафида.

СУРАТЛАРДА: пахтазорда; 8-бригада ишчиси Ойша Иномова; жамият раиси Абуғаффор Жалилов.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

«ТЕР ТЎККАННИ ЕР СИЙЛАЙДИ»

— дейди тажрибали деҳқон, оилавий пудратчи Абдувоси ҚОСИМОВ.

Илгари жамоа хўжалигимизда механизаторлик қилардим. Мана беш йилдирки, ер билан тиллашиб келаяпман. Тер тўккани ёр сийлайди, дейди боболаримиз. Ҳар йили оилам билан буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришга эришяпмиз. Бу йил беш гектар ерни ижарага олиб, «Интенсив» навли буғдой эккандик. Ҳар гектар ердан режадаги 50,7 центнер ўрнига 75 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга муваффиқ бўлдик. Жамоа хўжалиги билан тузган шартномамизга асосан ғаллачиликнинг ўзидан 60 минг сўмдан ортиқ даромад қилдик.

Айни пайтда буғдой ўрнига экилган маккажўхори, памидор, карам, турп, шолғом каби экинларимиз баравж ривожланяпти. Жамоа хўжалиги билан 10 тонна карам, 2 тонна памидор ва бошқа маҳсулотлар етиштириб беришга шартнома тузганмиз. Хуллас, буғдойдан бўшаган ер бекор қолаётгани йўқ. Йил охиригача 100 минг сўмдан ортиқ соф даромад қилишни режалаштириб, астойдил меҳнат қиляпмиз.

Норин тумани, «Ғалаба» жамоа хўжалиги.

БИР ГЎШАКИ, ҚИЁСИ ЙЎҚ!

НАМАНГАН *вилояти Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган. Майдони — 7,9 минг кв. км. Аҳолиси 1 миллион 700 минг кишидан ортиқ. Наманган шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий марказидир. Вилоятда озиқ-овқат саноати ва тўқимачилик, шунингдек, энергетика саноати ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи-пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, ипакчилик ва чорвачиликдан иборат.*

• Халқ таълими: янгиланиш йўлида

300 ЎҚУВЧИДАН 292 НАФАРИ ТАЛАБА БЎЛДИ

Бугунги кунда вилоят бўйича 646 та умумтаълим мактаби, интернат ва лицей мавжуд бўлиб, уларга 400 минг нафарга яқин ўқувчи жалб этилган. Биргина 1995 йилнинг ўзида Янгиқўрғон, Мингбулоқ ва Норин туманларида янги лицейлар ташкил этилди. 1996-1997 ўқув йилида эса иқтидорли болалар учун турли йўналишларда яна 8 та лицей очиш режалаштирилган.

Айни пайтда вилоятда 32 та ҳунар-техника билим юртлари, ҳунар лицейлари ва бизнес мактабларида талабаларга 95 турдаги касб-ҳунар сирлари ўргатилмоқда. Ўқувчи ёшлар республика миқёсидаги кўрик-танловларда ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар. Жумладан, «Йил мактаби» кўрик-танловида Учқўрғон шаҳридаги 1-мактаб жамоаси, «Йил ўқитувчиси» республика кўрик-танловида Наманган шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси М. Раззоқова, «Йил тарбиячиси» кўрик-танловида Норин туманидаги 10-боғча тарбиячиси Д. Қамбарова, иқтидорли болаларнинг республика слётида Наманган туманидаги 23-мактабнинг 11-синф ўқувчиси А. Жўраев, шунингдек, «Соғлом авлод учун» кўрик-танловида Тўрақўрғон туманидаги қуруқ мевалар заводига қарашли «Ширинлик» боғчаси жамоалари совринли ўринларни эгалладилар. Бундан ташқари «Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» деб номланган республика миқёсидаги кўрик-танловида Наманган шаҳридаги «Зарафшон» маҳалласи ва А. Қодирий номли 41-мактаб жамоалари амалга оширган ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, фахрли 1-ўринга муносиб деб топилди.

Ўтган 5 йил давомида 44149 нафар болага мўлжалланган мактаб бинолари, 9765 ўринли болалар боғчалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ҳукуматимиз томонидан иқтидорли болаларни танлаш, уларга мос ўқув-тарбия масканларини очишга алоҳида эътибор берилди. Бизнинг иқтидорли болалар лицейимиз ҳам ана шу ғамхўрликнинг меваси сифатида ташкил этилган эди.

Бугунги кунда мазкур лицейда 350 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 51 нафар фан докторлари ва номзодлари, профессор ва доцентлар асосий эътиборни ўқувчиларга чуқур билим беришга қаратганлар. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, ўтган беш йил мобайнида лицейни тамомлаган 300 ўқувчидан 292 нафари яъни, 97 фоизи бугун олий ўқув юртларида таҳсил оляпти. Ҳозирги пайтда битирувчи йигит ва қизларимизнинг 10 нафари Туркия университетида ўқишни давом эттирмоқдалар.

Ўқув юртига вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ва ҳомий ташкилотлар — «Машинасозлик» заводи ҳамда «Мададкор» корпорацияларининг беғараз ёрдамлари натижасида 3 та замонавий ЭҲМ синфлари ташкил этилди. Химия ва физика лабораториялари эса зарур ускуналар билан жиҳозланди. Лицейнинг Ғова қишлоғидаги тоғ бағрида жойлашган сўлим оромгоҳида ҳар йили республика физика-математика мактабининг ёзги машғулотлари ўтказилмоқда.

Дарсдан ташқари машғулотлар ичида ЎзФА академиги Ё. Тўрақулов фан докторлари А. Аъзамов, Н. Раҳимов, М. Бадалов, С. Зайнобиддинов, Ш. Абдуллаев ҳамда ўзбек олими, «Лунаход»нинг конструкторларидан бири, академик Т. Воҳидовлар билан ўтказилган учрашувлар ёшларни келажакка ишонч ва фан сирларига ошнолик, ташаббускорлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этаяпти.

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
вилоят иқтидорли болалар лицейи директори, физика-математика фанлари номзоди.

Наманган туманидаги «Турк-атлас» қўшма корхонаси турли хилдаги гиламлар ишлаб чиқармоқда. Маҳсулот сифати яхшиланиб, харидорлар сони тобора ошиб бораяпти.

***СУРАТДА:** моҳир тўқувчи қизлар — Х. Иномова, Х. Усмонова ва М. Ғуломовалар ўзлари тайёрлаган ипак гиламлари билан.*

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Миллатим татар. Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. Бутун фаолиятим давомида Наманган вилоятининг турли бошқарув идораларида меҳнат қилдим.

Мен ҳаётимни бу гўша халқисиз, ўзим яшаб турган маҳаллам аҳлисиз тасаввур қилолмайман. Маҳалламиз, умуман туманимиз кўп миллатли. Биргина бизнинг маҳалламизда 15 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлигини кўрган одамнинг ҳаваси келади. Тўйларимиз, турли маъракаларимиз, айниқса байрамларимиз бир-бирларимизсиз ўтмайди.

Шу кунларда бутун маҳалламиз билан республикамиз мустақиллигининг беш йиллик тўйига ҳозирлик кўраяпмиз. Ҳар йили бу шодиёна бизда умумхалқ байрамига, барча миллат вакилларининг шодиёнасига айланиб кетади. Бир сўз билан айттанда, барчамиз Ўзбекистонда яшаётганимиздан, шу юрт ватанимиз эканлигидан фахрланамиз.

К. ДАВЛИЧАРОВА, Давлатобод туманидаги «Тўқувчи» маҳалласи фуқаролари йиғини раиси.

Республикамиз Президенти томонидан олға сурилган ривожланишимизнинг беш тамойилидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан иборатдир.

• Ижтимоий муҳофаза

ОЙИГА – 228 МИЛЛИОН СЎМ

Зеро, жамиятнинг инсонпарварлиги айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган қатламига кўрсатган меҳр-мурувватида яққолроқ кўринади. Шу боис ҳам юртбошимиз бу масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Бу борада Наманган вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Вилоятда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 241 мингга яқин нафақахўр бор. Шулардан 39 минги ногиронлар, 2300 нафари ёлғиз қариялар, 29,6 минги кам таъминланган кўп болали оилалар ва 16,4 минги боқувчисини йўқотган кишилардир. Ҳар ойда уларга давлат томонидан 228 млн. сўмдан ортиқ нафақа тўланмоқда. Ўртача ойлик пенсия миқдори эса бир кишига 1081 сўмни ташкил этяпти. Шу билан бирга ижтимоий таъминот идоралари тизими бўйича оилаларнинг 63 минг нафарига фарзандлари учун ҳар ойда қарийб 38,0 млн. сўм атрофида маҳаллий бюджет ҳисобидан нафақалар берилмоқда.

Пенсионерлар ва ногиронлар амалдаги қонунлар асосида 106 хилдан ортиқ имтиёздан фойдаланаяпти. Биргина сиҳатгоҳларда ўтган беш йил ичида 5600 нафардан ортиқ пенсионер бепул даволанди. Шу йилнинг ўтган олти ойида 920 нафар нафақахўр бепул йўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, вилоятда аҳолининг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмига ҳукумат қарорларида кўзда тутилган енгилликлардан ташқари шаҳар, туман ҳокимликлари, корхоналар, хўжаликлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб моддий ёрдам кўрсатиш ташкил этилган. Бу борада вилоят ҳокимлигида махсус дастур ишлаб чиқилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 1991 йилдан буён кам таъминланган оилаларга, ёлғизларга 256 та алоҳида уй қуриб берилди, 421 та никоҳ ва 1212 та хатна тўйлари ўтказилди. Ногиронларга 350 дона аравача бепул берилди. Кам таъминланган оилалар ҳамда алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар учун арзонлаштирилган маҳсулотлар сотиладиган «Меҳрибонлик» махсус дўконлари очилди. Кейинги 6 ой ичида 49413 кишига 12,6 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келмоқдаки, вилоятимизда яшаётган ҳар бир киши эртанги кунга ишонч билан қараб, ўзларининг ҳеч қачон ночор аҳволда қолмасликларига бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда. Республикамиз Президентининг «Бизда ҳеч ким ёлғиз эмас, унинг ғамхўри, қўллаб-қувватлайдиган мустақил Ватани, ҳар бир ишга қодир салоҳиятли суянчиғи бор», деган сўзлари борган сари жонли жаранглаётир.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи

• Америкадан мактуб

ҲУР ВАТАН ФАРЗАНДИМАН

Кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам океан ортидаги олис мамлакатда ўқиб, билим олиш бахтига муяссар бўлдим. Бу мактубни озод Ватан фарзанди эканлигимдан фахрланиб, Америка Қўшма Штатларининг Санта Рози (Калифорния штати) шаҳридан ёзаяпман.

Чуст шаҳар педагогика билим юрти қошидаги лицейнинг 10-синфини тугатиб, АҚШда ўқишни давом эттираётганимга ҳам бир йил тўлмоқда. Шу вақт ичида мен кўп нарсани ўргандим, дўстлар орттирдим. Агар юртимиз мустақил бўлмаганида бундай бахтга асло эриша олмасдим. Зеро, истиқлол боис, юртимиздаги доно, оқилона сиёсат туфайли она Ўзбекистоннинг мен каби ўнлаб фарзандлари жаҳоннинг энг илғор, ривожланган давлатларида ўқиб, таҳсил олмоқдалар.

Мен ўзга юрт ҳаёти билан танишиб, Ватан туйғуси нақадар муқаддас эканлигини ҳис қилаяпман. Ўзбекистондай бир ажиб, ўхшаши йўқ диёр фарзанди эканлигимдан ғурурланиб юрибман. Менинг бирдан-бир мақсадим аъло баҳоларга ўқиб, яхши мутахассис бўлиб етишиш ва она Ватанимга муносиб хизмат қилишдир.

Дилфуза ҲОШИМОВА,
талаба.

• Ҳунармандчилик

ЎЗ КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАГАНЛАР

Бир пайтлар падари бузрукворим Кенжавой пичоқчи деган ном билан машҳур бўлган.

У кишига ҳам пичоқчилик оталаридан мерос қолган экан. Мен 5-6 ёшлик пайтимда отам туман маиший хизмат уйида ишлар, бўш пайтларида эса, уйимиздаги мўъжазгина устахонада пичоқ ясардилар. Отамнинг ишларини кузатиб бу касбга ҳавасим келарди.

1943 йилда отам урушга кетиб, қайтиб келмади. Шундан сўнг мен унинг касбини давом эттиришга аҳд қилдим. Амакиларимдан пичоқчиликнинг сир-асрорини пухта ўрганиб, туман маиший хизмат уйида, отамнинг ўрнида иш бошладим. Шаҳримизда ҳунармандлар кўпайганидан кейин, аста-секин пичоқ заводи ташкил топди. Биринчилардан бўлиб шу корхонага ишга кирдим.

Истиқлол туфайли маҳсулотларимиз хорижга ҳам чиқмоқда. Буни биргина ўзимнинг мисолимда айтадиган бўлсам, муборак Ҳаж сафарига бораётган биродарларимиз совға пичоқлари тайёрлаб бериш тўғрисида тез-тез мурожаат қилиб туришади. Мен «Чуст» номи туширилган пичоқларим билан юртимнинг номини дунёга таратишга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Бошқа кўплаб усталар ҳам бунга ўз улушларини қўшаётирлар.

Чустда ўз касбини эъзозлаб келаётган пичоқчилар сулоласи жуда кўп. Абдуғаффор Абдураҳмонов, Маҳмуджон Раҳмонов, Муҳаммаджон Усмонов каби усталар шулар жумласидандир. Умуман, Чуст — ҳунармандлар шаҳри десам мақтаниш бўлмайди.

Мухторжон КЕНЖАЕВ,
Чуст шаҳри.

ВОДИЙДА ЯГОНА МАРКАЗ



Америка Қўшма Штатларининг «Кейс корпорейшен» фирмасидан юртимизга келтирилган «Кейс» комбайнларини созлаш, таъмирлаш бўйича Уйчи туманида Фарғона водийсида ягона марказ ташкил этилди.

Галла ўрими олдидан бу ерга келтирилган комбайнлар ушбу марказда йиғилиб Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари галлазорига жўнатилди.

— Комбайнларни таъмирлаш маркази Уйчи туманида ташкил этилгани бежиз эмас, — дейди туман ҳокими Турсунпўлат Мирзамаҳмудов.

— Марказий таъмирлаш устахонамизда энг замонавий техника воситаларига тўлақонли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Айни пайтда туманимизнинг малакали муҳандислари «Кейс» комбайнларининг эҳтиёт қисмларини тайёрлашни ўзлаштиришмоқда. Йил охирига қадар Америкадан келтирилган бу комбайнларнинг 30 фоиз эҳтиёт қисмлари шу ернинг ўзида тайёрланади.

Бу комбайнлар ишга тушган дастлабки кунлардан бошлабоқ ўзини тўла оқлади. Унинг иш сифати, унумдорлиги галлакорларни қониқтираётир. Масалан, бу комбайн бир сменада 30-35 гектар майдондаги галлани бемалол йиғиштириб олишга улгурмоқда. Биргина Уйчи туманида иккита «Кейс» ёрдамида қисқа муддатда 1000 гектардан зиёд майдондаги галла йиғиштириб олинди. Ёнилги сарфи ва исрофгарчилиги юзасидан ҳам у бошқа комбайнлардан анча афзалликлари билан фарқ қилади.

Кўриниб турибдики, меҳнаткашларимиз мазкур комбайнларни чанакам деҳқон қаноти, деб бежиз айтишмаяпти.

Айни пайтда бу ерда АҚШнинг ушбу фирмасидан яна кўплаб қишлоқ хўжалиги техникаларини келтириб, уларга малакали техник хизмат кўрсатишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Тошбулоқ пахта тозалаш заводи 1991 йилнинг бошларида ишга туширилган эди. У бир мавсумда 42 минг тонна пахта қабул қилиш қувватига эга. Завод ўтган мавсумда 9 минг 171 тонна тола, 15 минг тонна чигит, 690 тонна момиқ ишлаб чиқариб, олти ойлик режани ортиғи билан бажарди. Шу мавсумда 174 миллион 479 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

***СУРАТДА:** завод лабаратория бўлими мудираси Мақсудахон Исахонова; завод ишчилари А. Аҳмаджонов ва Б. Йўлдошевлар.*

Қўшсаҳифани «Халқ сўзи» мухбирлари А. МАДАТОВ ва О. ТЎРАҚУЛОВ таёрлашди.

• Бир хат изидан

Ғаллаоролда бир «ёзувчи» пайдо бўлганки, унинг «ижоди» билан таништирсам, эсингиз оғади. «Қаҳрамонимиз» Норбой Эшмуродов қишлоқ хўжалик техникумини сиртдан битирган. У ўн беш йил бурун «Дон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ўз фаолиятини боғлади. Эшмуродов алмашлаб экиш лабораториясига лаборантликка келган куннинг ўзидаёқ «изланувчанлик», «ташаббускорлик» кўрсата бошлади.

ТУҲМАТ БАЛОСИДАН САҚЛА

ёхуд бир меҳнат жамоасининг тиниб-тинчимас шикоятчи устидан ёзган антишикояти хусусида

Ва бора-бора, иғво билан дўстни дўстдан, эрни хотиндан ажратишгача бориб етди. Ишхона муҳитини, жамоа иноқлигини бузди. Бир неча кунлаб ишга кедмайдиган одат ҳам чиқарди.

Бу хусусда лаборатория мудири А. Милосердова бирлашма бош директори Қурбон Эшмирзаевга рапорт ёзди. Бошлиқ буйруқ чиқариб унга ҳайфсан берди. Агар бу ҳол яна такрорланса, ишдан ҳайдашни уқтирди. Орадан уч кун ўтгач, лаборатория ходимларидан Ж. Эгамбердиева, Б. Кубаева ва бошқалардан «Норбой ишламайди, ишлаганларни бир-бирига ёмонлаб чақиштиради, ҳатто оилаларимизда ҳам жанжал чиқарди, у жамоамиздан кетсин», деган мазмунда ариза тушди. Ариза касаба уюшмаси йиғилишида кўрилиб «қаҳрамонга» сўнгги огоҳлантириш билан ҳайфсан эълон қилинади.

Бу каби шикоятлар Норбойнинг устидан кўп марта тушди. Бироқ бирлашма маъмурияти кейинчалик бундай ҳолга бефарқ бўлиб қолди. Чунки Норбой раҳбарлар устидан ҳам ёзишга киришганди-да.

Охири ундан қутулишнинг осон йўли топилди: марказий тажриба хўжалигининг чорва фермасига молбоқар қилиб ўтказишди. Бу вазифада бор йўғи уч ярим ой ишлаб, ўндан зиёд шикоят ёзди. Мазмуни бир хил: «давлат мулки талон-торож қилиняпти, мутахассислигим бўйича иш беришмаяпти...». «Ке қўй, шу тинч юрсин», — дейишиб, сутчилик бригадирлигини ҳам беришди.

Норбой эса енг шимариб «ижод қилишга» янада дадилроқ киришди. Ва энди зоотехникликни талаб қила бошлади... Тоқати тоқ бўлган ҳамкасблари 1992 йилнинг декабрида умумий йиғилиш чақириб, уни ишдан ҳайдашга қарор қилишди. Бироқ бирлашма раҳбарияти кўнгилчаликка бориб: «битта ёмон юрса-юрсин, — деб уни йўқ ўринга зоотехник қилиб тайинлади. Бу вазифада беш ойгина ишлаган Норбойнинг кўнгли фермага мудир бўлишни тусаб қолди. Ва: «ферма талон-торож бўлди», — дея, тўрт томонга жар солди. Ваҳоланки, бу ерда ростдан ҳам талон-торожлик рўй берган бўлса, молбоқар, бригадир, зоотехник бўлиб ишлагани учун ўзи ҳам жавобгар бўларди... Ажабланарли томони шундаки, ёзган аризаларининг бирортаси ҳам текширувчилар томонидан тасдиқланмасада, «муаллиф»нинг мушугини ҳеч ким «пишт» демасди. Бу ҳол эса унга каттадан-катта «илҳом» бағишларди.

Ўйлаб-ўйлаб, бирлашма раҳбарияти бир ўқ билан икки қўённи урмоқчи бўлди. 1993 йилнинг 31 августида ферма чорвадорларининг умумий йиғилиши чақирилди. Кун тартибига бир масала — фермани ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш ҳўйилди. Шундай қилиб, 18 ходимдан иборат «Машъал» ҳиссадорлик жамияти тузилди. Раисликка икки номзод кўрсатилди. Бири — шу даргоҳда 35 йилдан буён узлуксиз ишлаб келаётган, 17 йил марказий тажриба хўжалигига раҳбарлик қилган, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Рашид Золов. Иккинчиси... Норбой Эшмуродов. Золов номзодини ёқлаб, ўн уч киши овоз берди. Эшмуродов шунча миқдорда қарши овоз олиб, сайланмай қолди.

Хуллас, ферма хусусийлашди. Жамоа уни ўша даврдаги нарх билан 20 миллион 800 минг сўмга (ўн йил муддатга) сотиб олди.

Лекин шу кундан бошлаб Эшмуродов «менга Золов тазйиқ ўтказяпти, ферма хусусий деб хоҳлаган ишини қиляпти, мол сони камайди, маҳсулот ҳажми пасайди» деб туман, вилоят, республика идораларига ёза бошлади. Кетма-кет текширувчилар келишди. Ишлашга шароит йўқолди, асаблар эговланди.

Қуруқ гап бўлмаслиги учун мисоллар келтирамиз:

1994 йилнинг май ойида вилоят ҳокимига ёзилган аризани бир ҳафта давомида умумий бўлим мудири О. Жавлонов текшириб, «асосан тасдиқланмади» деган хулоса берди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари Академиясининг биринчи вице-президенти, академик Саид Усмонов 1993 йилнинг декабрида Норбойнинг шикояти асосида ҳиссадорлик жамиятида йиғилиш ўтказиб, Эшмуродов «жамият раислигини олиб беринг», деган илтимос билан икки марта қабулида бўлганлигини айтди. Ва Норбойнинг номзоди иккинчи бор раисликка қўйилганда, ўн беш киши қарши овоз берди. Шундан сўнг йиғилиш қуйидаги қарорга келди:

«Норбой Эшмуродов кўпчилик таклифига асосан ҳиссадорлик жамоа аъзолигидан чиқарилсин. Ишламаган кунлари учун иш ҳақи тўланмасин. У ёзган шикоятлар бундан буён бирорта ташкилот томонидан текширилмасин».

Ғаллаорол туман молия бўлими бош назорат тафтишчиси А. Пармонов берган тафтиш якунлари айниқса адолатли. У Норбойнинг ўнта банддан иборат шикояти асосида барча ҳужжатларни ковлаштириб кўрди. Биронта банддаги даъво тасдиғини топмади.

Оддий ёзишмалар иш бермагач, Норбой суддашишга ўтди. Ғаллаорол туман судига ишга қайта тиклаш ва бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Суд ўзининг 1994 йил 29 мартдаги ҳал қилув қарори билан унинг даъвосини асоссиз деб топди. Жамоа йиғилиши хулосасини маъқуллади.

— Золов Ғаллаорол судини сотиб олган, менинг ишимни Бахмал суди кўрсин, — деб туриб олди Н. Эшмуродов.

Уч ой ўтгач, «иш» Бахмалда кўрилди. Афсуски бу туман суди ҳам қарорни шикоятчи фойдасига ҳал қилмади.

— Икки қўшни туман суди ҳеч қачон бир-бирини фош қилмайди. Умуман бошқа холис суд кўришини талаб қиламан, — дея Норбой вилоят судига арз қилди.

Фуқаролик иши Арнасойда кўрилди ва... арнасойлик «ҳакам» ғаллаороллик ва бахмаллик ҳуқуқшунос ҳамкасблари қарорларини чиппакка чиқариб, Норбойни қайта ишга тиклаб иш ҳақларини ундириб берди.

Одамлар ҳайрон, биров «ҳамма суд ҳар хил бўларкан-да» деса, бошқаси «институтда бири яхшироқ ўқиган, иккинчиси ёмонроқ» деди. Яна бировлар «адолат қани, қонунни қаёққа бурсанг кетавераркан-да» деб қолаверишди. Жиззах вилоят суди эса бу гумонга нуқта қўйиб, Арнасой туман суди қарорини бекор қилди. Энди Норбой Эшмуродов ишни бошқа вилоят суди кўришини талаб қилиб Ўзбекистон Республикаси Олий судига ариза ёзди. Ўн етти ойлик суд можароларига якун ясаб Сирдарё вилоят суди 1995 йил 30 августда бу фуқаролик ишини кўриб, Норбой Эшмуродов фойдасига ҳал қилув қарори чиқарди. У яна ишга тикланди. Лекин ёзишини ҳамон бас қилгани йўқ.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, нега Ғаллаорол, Бахмал туманлари, Жиззах вилоят судидагилар билан Арнасой тумани ва Сирдарё вилояти судидагиларнинг бу масалада фикрлари айрича чиқиб қолди?

— Қонун ҳуқуқий давлатнинг ўзи ва сўзидир, — деган эди юртбошимиз. Суд идораларидаги айрим мутасаддилар унинг устуворлигини таъминлаш, адолат йўлида хизмат қилдириш ўрнига бир оддий фуқаролик ишини салкам икки йилга чўзиб, гоҳ ундай, гоҳ бундай қарор чиқарганларини қандай тушуниш мумкин?

«Ёза-ёзалар»дан юраклари безиллаб қолган, бир шикоятчининг танобини тортиб қўёлмаган нуфузли идоралардан кўнгли совиган жамоа аҳлидан барака кўтарилди. Мол сони, маҳсулот камайди. Чунки ҳар бир келган комиссия бирма-бир мол зотини, паспортини, қулоғидаги исирға рақамини текширади, ҳар бир молни тарозидан ўтказади. Омборхоналар ёпилади, сигирлар ҳафта-ўн кунлаб емсиз қолади, тафтиш қилинади.

1995 йилнинг декабрь ойида Жиззахдаги «Жибри» қўшма корхонасидан 200 минг сўмлик векселга ем олинмай қолди, жанжал туфайли ташиб келтиришни иложи бўлмади. «Кўкбулоқ» хўжалигидан олинган сомон ҳам қолиб кетди. Чунки жамоанинг иш кунлари кўпинча «сафару саргузаштларда» ўтди. Жамият раиси ён дафтарига ёзиб юрибди. У вилоят прокуратурасига шу давр ичида 21 марта қатнабди, 15 киши бўлиб бир юз ўттиз чақирим олисдаги Арнасой судига ўн кун, 14 киши Бахмал судига уч кун, Ғаллаорол судига 17 киши тўрт кун, Жиззах ва Сирдарё вилоят судларига 200 чақиримга 7-8 киши бир ойлаб йўл машинада қатнашди. Мутахассисларнинг хомчўтларига қараганда бу ёзишмалар ва текшир-текширлар уч йил ичида жамоага ярим миллион сўмликдан зиёд моддий зарар келтирган.

Лекин шикоятчига била туриб, на туманда, на вилоятда ҳали бирон мутасадди идора раҳбари чора кўрган эмас.

Бу каби барча ишлардан ҳафсалалари пир бўлган ҳиссадорлик жамиятининг раҳбарлари Р. Золов ва М. Эшматовлар жамоа номидан ахийри «Халқ сўзи» газетасига мурожаат қилиб, «Норбой юз жойга ёзди, тасдиғини топмади, биз бир марта ёзяпмиз, туҳматчига ҳам жазо борми?» деган масалани қўйди.

...Текшириш жараёнида туманда, вилоятдаги кўп идораларда бўлдим, Норбойни ҳамма танишини эшитиб, ёқа ушладим. Ҳатто айрим одамлар «қўйинг, бош оғриқ иш, аралашмаганингиз маъқул, сизни ҳам ёзади», — дейишди.

Ичларида эса «сен оддий мухбир нимани ҳам уддалардинг», дейишаётганини илғаш қийинмасди. Шундай бўлса-да, мен аҳволни ўрганиш учун аризачилар билан хўжаликда учрашдим. Фермада йиғилиш ўтказилди. Норбой ҳам қатнашди, жами ҳиссадорлар ўз фикрини айтди.

Н. Эшмуродов «Халқ сўзи»га ёзилган шикоят ғирт туҳмат», деди. Қолган ҳамма ҳамкасблари эса «тўғри ёзилган», деб топишди.

Мен Ғаллаоролдан қайтаётиб, жамоадаги муҳитни яхшилаш учун ҳеч ким журъат этолмаётганлигидан ачиндим. Жиззахдаги мутасаддилар масалага холисона ёндашиб, жамоадаги нохуш вазиятни бартараф этишармикан, деган умидда мақолани ёзишга аҳд қилдим...

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақил Ўзбекистонда илк бор!

Sairam TOURISM ТАКЛИФ ЭТАДИ

АРТЕК

Қора денгиз соҳилларида дам олишдан қолган улкан таассуротлар - болалар 1-мультипликацион кинофестивали, мактаб ўқувчиларининг "Артек олимпи" халқаро ўйинлари болаларингиз қалбида.

БУТУН УМРГА САҚЛАНАДИ!

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
(Санъат музейи ёнида)
Телефонлар:(3712) 33-33-80, 33-35-59, 36-34-21.

Ташкилот тавсия этади:

1. 1-, 2-тумбали столлар, кабинет гарнитурлари.
2. Стол ва стул мажмуи (пластмассадан).
3. **"DAEWOO"**-51 диаг. видеоиккиликлар.
4. Телефон аппаратлари (дискали ва кнопкали).
5. Дипломатлар ва кейслар, вентиляторлар.
6. **"Samsung"** ёзув машинкалари.
7. Калькуляторлар **"Citizen SDC-888, 8820"**.
8. Нусха кўпайтиргичлар **"Canon FC 230, 330"** картридж ва тонерлар.
9. Турли-туман канцелярия моллари.
10. Телефон аппаратлари **"Panasonic-2365"**.
11. Автомагнитолалар **"DAEWOO"**.
12. Электр дазмоллар **"DAEWOO"**.
13. Телефаксла **"Panasonic-130"**.
14. Трансформаторлар ТМПУ-1000\10,ТМ-630\10, 100\10,160\10.
15. Камералар КСО-386,272.
16. Панеллар ШО-70.
17. Нонкескичлар МВХ-200.
18. Электр қозонлар КПЭ-200,КНЭ-50.
19. Электр қуритгичлар ЭРА-5.
20. Лифт (пассаж. юк, шифохонабоп-400,100 кг, 9 бекат.
21. Ўт ўчириш шланглари.
22. Киноускуна **"Украина", "Одесса"**.
23. Ошхоналар учун АККО-2 линияси.
24. Тарозилар В-42019 тн.
25. Кўрсаткичлар (датчик) ДП-3-3,ДНП-1,ВВР-256, ТУДН-1,ТУДЭ-1, ДД-1.5, ДПС-0.38, МП-04, ДПМ-2.5, реле Д200-20, ТУДЭ-2, ДГМ-400, ДРД-1\2.
26. Калорифер КВС-9-8-10, КВП-503-502-1300.
27. Манометр диф. ДУ-3585, МГК-100\1.6, МА-250, МТП-100\10, МПУ-5-6, МПЗ-2.5,МП-5\10, МТС-711, МА-100, МТП-1.
28. Манометр МП-25, Зу-6-16-16\10, МТ-4, МТТ-60\10.
29. Манометр Мт-100\60, МТ-1-1.6, ДТ-1001, МТ-100, ТМВ-325.
30. Сим ВР-1,пахта тойларини ўраш учун сим - 3.8,4.
31. Ковролин.
32. **"SONY", "Panasonic"** видеокамералар.

Телефонлар:
79-75-08, 79-47-74,
79-47-73, тел./факс: 79-75-07.



«Сой соҳили сўлим, сўлим».
И. МАМАРАҲИМОВ олган сурат-лавҳа.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 256-сонли қарорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб республикамизда ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотлари ва пиводан ташқари барча спиртли ичимликларни мажбурий равишда акциз маркалари билан маркалаш жорий этилади. Юқорида белгиланган муддатдан бошлаб уларни акциз маркаларисиз сотиш тақиқланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистонга бошқа давлатлардан тамаки маҳсулотлари ва алькоголли ичимликлар келтириш бўйича шартнома, битимлар тузаётган корхоналар ва фирмалар раҳбарларидан, тижоратчилардан акциз маркаларини белгиланган тартибда олиб бориш ва товарларни ишлаб чиқариш жараёнидаёқ маркалаш чора-тадбирларини кўришларини сўраймиз.

Бу билан боғлиқ барча масалалар бўйича ўзингиз рўйхатда турган солиқ инспекцияси ва божхона хизматига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
матбуот хизмати

Ташкилот Тошкент шаҳридаги омборидан

"Борекс" экскаваторлари ва бошқа техникаларни, бойитилган ПГС қумларини исталган миқдора сотади.
Жойига етказиб бериши ҳам мумкин.
Шунингдек,таъмирлаш-қурилиш ишларини тугал бажариб беради.

Тел.: 50-01-04 - кундузи
58-30-84 - соат 19.00 дан 22.00 гача

Барча мулк шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг кўп сонли сўровларига биноан

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Молия ва нархлар илмий-тадқиқот институти 1996 йилнинг бошидан бошлаб «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯВИЙ ҚОНУНЛАРИ» бюллетенига қўшимча обуна эълон қилади.

ҳозиргача 8 та сони босмадан чиқди.

Бюллетенда, молиявий ҳуқуқ масалаларидан ташқари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақобатни ривожлантириш, ҳамда сифати паст бўлган товарлар ва хизматларга истеъмолчиларнинг даъволарини кўриб чиқиш ва қондириш амалиёти масалалари кенг миқёсда ёритилади.

1996 йил учун обуна баҳоси — 1500 сўм
Етказиб бериш баҳоси — 600 сўм
6 та илованинг баҳоси — 420 сўм

Обуна бўлиш учун сиз пулни илмий-тадқиқот институтининг ҳисоб-китоб счётига ўтказишингиз зарур. Ҳисоб-китоб счёти — 000141205 Тошкент шаҳар, СКБнинг Меҳнат бўлимлари, МФО 172627315, корр. счёт 300166715.

Мурожаат учун телефонлар: **39-43-75, 39-15-15**

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» концерни корхоналари почта алоқасининг барча турлари бўйича бутунжаҳон почта иттифоқи нормаларига мувофиқ равишда хизмат кўрсатади. Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро почта жўнатмалари қабул қилинади, қайта ишланади, ташилади ва етказиб берилади, барча почта бўлимлари ва алоқа узеллари, Тошкент шаҳридаги почтампда кенг миқёсда асосий ва қўшимча почта алоқаси хизматлари кўрсатиш таклиф этилади.

Сизнинг хизматингизда: почта карточкалари — оддий ва буюртмали хатлар, оддий, буюртмали ва қимматли бандероллар, майда пакетлар, баҳоси кўрсатилган хатлар, «М» маркали махсус қоплар, почта жўнатмаларни жўнатиш дунёнинг барча манзиллари бўйича амалга оширилади.

Факс хизмати, ксеронусхалаш аппарати ишламоқда, реклама материалларини манзилига етказиб бериш ҳам амалга оширилади.

Диққат! Почта бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллиги билан табриклаш учун ранг-баранг бадиий сувенирли конверт ва откриткалар ҳам сотилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг EMS экспресс почтаси, яъни почта жўнатмаларини хоҳлаган мамлакатингизга жўнатиш ва тезда етказиб бериш хизмати ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Почта алоқаси корхонаси пенсия ва нафақаларни соҳибларига етказиб беришни ҳам таъминлайди.

Почта жўнатмаларининг бут сақланишига ва почта алоқаси корхоналарининг масъуллигига кафолат беради.

Почта алоқаси корхоналари тармоғи телеграммалар қабул қилади, жўнатади ва етказиб беради. Шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувларига таклиф этади, аҳолига электр энергияси, телекоммуникацион хизматлар учун пул тўлашларига имконият яратади, савдо тушумлари ва хизмат кўрсатишнинг барча тўловларини қабул қилади ва жўнатади.

Мувофиқлашган иш режими, шароит ва қулайлик, тезкор телефон-телеграф алоқаси, операция ва кўрсатмаларнинг соз механизми, малакали кадрлар, жўнатиш ва етказиб беришнинг аниқ ташкил қилинганлиги, сифат ва маданият — буларнинг барчаси Ўзбекистон почта алоқалари корхоналарида сиз учун кафолатланган! Почта корхоналарида сиз операция ўтказиш ва хизмат кўрсатишнинг жаҳон стандартларидан бироз камроқ, яъни 400 дан кўпроқ хилини учратишингиз мумкин.

Почта алоқалари хизматидан фойдаланинг!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» КОНЦЕРНИ.

Ҳиссадорлик жамиятлари, банклар, молия компаниялари, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг барча қатнашчилари

ЭЪТИБОРИГА

1996 йил 23 август соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси қошидаги қимматбаҳо қоғозлар бозори ҳаракатини координациялаш ва назорат қилиш маркази республика биржалар маркази биносида хусусийлаштирилган инвестиция фондлари тақдимот-семинарини ўтказади.

«Ўзбекгидрогеология» бирлашма жамоаси ГИДРОИНГЕО институти лаборатория мудири, техника фанлари доктори И. Ҳабибуллаевга отаси

Ҳабибулла ҲАСАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси жамоаси республика нефть ва газ саноатининг кекса ходими, фахрийси «Фарғона нефть» нефть конлари бошқармаси бошлиғи

Дадахон ШОКИРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — О. Тўрақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0444 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди —21.02 1 2 3 4 5 6